

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

СОАТОВА НОДИРА БОБОХАНОВНА

**МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР СОЛИҚЛИ ДАРОМАД БАЗАЛАРИНИ
МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
(Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора
философии (Doctor of Philosophy) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor
of philosophy (Doctor of Philosophy) on economical sciences**

Соатова Нодира Бобохановна

Маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш йўллари..3

Соатова Нодира Бобохановна

Способы укрепления налоговой доходной базы местных бюджетов29

Soatova Nodira Bobokhanovna

Ways to strengthen the tax revenue base of local budgets53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....57

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

СОАТОВА НОДИРА БОБОХАНОВНА

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР СОЛИҚЛИ ДАРОМАД БАЗАЛАРИНИ
МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.4.PhD/Iqt1228 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Кузиева Наргиза Рамазановна иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий тақризчилар:	Жўраев Абдуғаффор Сафарович иктисодиёт фанлари доктори, профессор Усмонов Қаҳрамонжон Акбаралиевич иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент шаҳри филиали

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «5» ноябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.)

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (225 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26. info@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «25» 10 куни тарқатилди.
(2021 йил «25» 10 даги 44 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Тешабоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ф.К.Холмаматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

И.Н.Кузиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, бюджет-солиқ тизимини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини кучайтиришдан иборат. Мазкур масала, биринчи навбатда, уларнинг даромад базалари, жумладан, солиқли даромад базалари барқарорлигига, мустаҳкамлигига бориб тақалади. Ўз навбатида, маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базалари барқарорлигининг таъминланиши, биринчидан, мамлакат ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва тегишли ҳудуд аҳолисининг манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳаётини янада яхшилаш, турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, иккинчидан, ҳудуддаги табиий хом ашё, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимият идоралари ваколатларининг кенгайтирилиши таъминлаш имконини беради. Аксарият, «таракқий этган ва ривожланаётган мамлакатларда давлат бюджети даромадлари таркибида маҳаллий бюджетлар даромадлари салмоқли улушни эгаллайди. Хусусан, бу кўрсаткич Японияда 30%, Буюк Британияда 33%, Австрияда 34%, Францияда 38%, Португалияда 39%, Норвегияда 58%, Люксембургда 60% ни ташкил этади»¹. Бу эса жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Халқаро амалиётда маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини, мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий изланишларда халқаро солиқ амалиёти, солиқли даромад базалари барқарорлигини таъминлаш, мавжуд инфратузилмани янада яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш, сифатини ошириш масалалари маҳаллий бюджетлар орқали таъминланмоқда. Халқаро тажрибада натижага асосланган солиқ ислохотлари фискаль сиёсатнинг узвийлигидан далолат беради. Бу жиҳат ўз-ўзидан миллий ва халқаро даражада натижага асосланган комплекс тадқиқотлар олиб бориш орқали солиқларнинг маҳаллий бюджет даромадларига таъсирини амалда тадқиқ этиш лозимлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси асосида солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ юкини кескин пасайтириш, солиққа тортиладиган объектларни тўлиқ қамраб олиш ва солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш орқали тегишли бюджетлар даромад базаларини мустаҳкамлаш, маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг солиқ маъмуриятчилиги механизмларини такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бюджет-солиқ сиёсатини амалга ошириш орқали маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш ҳамда ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман

¹<https://internationalwealth.info/tax-planning/nalogi-v-2020-godu-analiz-fiskalnoj-politiki-v-raznyh-stranah>.

ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш, саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини изчил ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Зеро, «солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллаш орқали иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш мумкин»². Мамлакатимизда солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш борасида «солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш»³ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади ва мазкур диссертация иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 7 июндаги ПФ-5075-сон «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 7 июндаги ПҚ-3042-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш ва маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги масъулиятини ошириш тўғрисида», 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бюджет тизими ва бюджетлараро муносабатларнинг назарий ва амалий жиҳатлари, маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг даромадларини шакллантириш, солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш масалалари, солиққа тортишнинг назарий асослари соҳасидаги қарашлар,

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабрь

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

солиққа тортиш назариясини ривожлантиришга ҳозирги замон россиялик иқтисодчи олимлардан А.М.Бабич, В.Виноградова, Е.В.Орлова, Ю.С.Долгановой, Н.А.Истоминой, Н.В.Покровская, Г.Б.Поляк, Н.В.Салина⁴ ўз ҳиссаларини қўшган.

Ўзбекистонлик олимлардан М.Алимардонов, А.Ваҳобов, Х.Жамолов, Э.Гадоев, Ш.Гатаулин, Т.Маликов, Н.Ҳайдаров, О.Олимжонов, А.Жўраев, А.Маманазаров, Ш.Тошматов, Б.Тошмуродова, Қ.Яхъеев, Н.Қўзиева, Б.Абибуллаев, Ж.Есмурзаев, С.Жубаев, А.Маманазаров, А.Сувонов, Қ.Тожибоева, Ҳ.Қобулов, Х.Қурбонов, А.Хайридинов, А.Исламкулов, У.Ўроқов⁵ томонидан тадқиқ қилинган.

Юқоридаги муаллифларнинг илмий изланишлари тадқиқот сифатида танланаётган мавзуга у ёки бу даражада боғлиқ бўлса-да, уларнинг ҳеч бирида маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш йўллари тадқиқот объекти сифатида қўйилмаган ва ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

⁴Бабич А.М и др. Государственные и муниципальные финансы. Учебник. – М.: «ЮНИТИ-ДАНА», 2012. – 703 с.; Виноградова В. Местный бюджет. Монография. – М.: Лаборатория книги. 2010. – 168 с.; Орлова Е.В. Формирование и реализация механизма обеспечения финансово-бюджетной состоятельности муниципальных образований. Автор. дисс. на соис. уч. ст. к.э.н. – Иркутск: Байкальский государственный университет. 2018. – 24 с.; Долгановой Ю.С., Истоминой Н.А. Бюджетная система Российской Федерации: учебник. – Екатеринбург: Урал. ун-та, 2019. – 356 с.; Покровская Н.В. Налоги в доходах местных бюджетов стран ОЭСР. Ж. Налоговая политика государства № 3/2014 – С. 33-37.; Поляк Г.Б. Бюджетная система России [Электронный ресурс]: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям. - 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012. – 703 с.; Поляк Г.Б. Налоги и налогообложение: учебник и практикум. -2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт, 2015. – 474 с.; Салина Н.В. Налоговые доходы местных бюджетов Российской Федерации. Автор. дисс. на соис. уч. ст. к.э.н. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский государственный университет. 2018. – 21 с.;

⁵Алимардонов М., Тухсанов Қ. Солиқлар назарияси. – Т.: Адабиёт, 2005. – 209 б.; Ваҳобов А., Жамолов Х. Соголасовани меъбюджетных отношений. – Т.: Молия, 2002. – 239 с.; Гадоев Э. ва бошқ. Солиққа оид хатолар. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1996. – 128 б.; Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: ДСҚ, 1996. – 241 б.; Маликов Т., Ҳайдаров Н. Бюджет даромадлари ва харажатлари. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2007. – 245 б.; Маликов Т., Олимжонов О. Молия. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2019. – 800 б.; Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Т.: Фан, 2004. – 242 б.; Маманазаров А. Маҳаллий бюджет ва солиқ. Монография. – Т.: Marifat-madadkor, 2001. – 120 б.; Тошматов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда солиқларнинг роли: Монография. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2008. – 204 б.; Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б.; Яхъеев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технологиялар, 2003. – 247 б.; Қўзиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 281 б.; Абибуллаев Б. Бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар ролини ошириш масалалари: И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автор. – Т.: 2009. – 137 б.; Есмурзаев Ж. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ундириш механизмини такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автор. – Т.: 2007. – 20 б.; Жубаев С. Проблемы формирования местных бюджетов: Автор. дисс. канд. экон. наук.–Т.: 2004. – 20 с.; Маманазаров А. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш масалалари: И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автор. – Т.: 2002. – 22 б.; Суванов А. Маҳаллий бюджетлар ижроси самарадорлигини ошириш йўналишлари: И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автор. – Т.: 2005. – 18 б. Тожибоева Қ. Пути формирования и совершенствования доходной и расходной частей местных бюджетов Республики Каракалпакстан. Автор. дисс. ...канд. экон. наук. – Т.: 2004. – 22 с.; Қобулов Х. Худудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари: И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автор. – Т.: 2006. – 129 б.; Қурбонов Х. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш: И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автор. – Т.: 2010. – 146 б.; Хайридинов А. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлаш йўллари: И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автор. – Т.: 2009. – 22 б.; Исламкулов А. Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда солиқ потенциалидан фойдаланиш масалалари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. №2. март-апрель, 2017. Ўроқов У. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишни такомиллаштириш йўллари: И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автор. – Т.: 2020. – 25 б.

Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Иқтисодий-иқтисодий модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий бюджетлар солиқли даромадларининг назарий асосларини тадқиқ этиш;

ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда солиқли даромадларнинг ролини ва аҳамиятини асослаш;

маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадлари таркибини тадқиқ этиш ва унга оид тенденцияларни аниқлаш;

солиқли даромадларнинг маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги роли ва ушбу тизимда мавжуд бўлган муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш;

маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда солиқли даромадлар ролини оширишнинг асосий йўналишларини аниқлаш ва уларни илмий-амалий жиҳатдан асослаш;

хориж мамлакатларининг маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадлари борасидаги илғор тажрибаларини ўрганиш ва улардан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослаш;

маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадлари салмоғини ошириш ва солиқли даромадлари базасини мустаҳкамлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий бюджетлар, шу жумладан, Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг солиқли даромадларини шакллантириш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлашда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда абстракт-мантиқий фикрлаш, умумлаштириш, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил, эконометрик таҳлил, таҳлил ва синтез каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг энг кам меъёрларини жорий этиш орқали маҳаллий бюджет даромадларини ошириш таклиф этилган;

алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга нисбатан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини ошириш (алкоголсиз ичимликлар учун белгиланган ставкаларни қўллаш) асосланган;

тўлиқ амортизацияланган биноларни қайта баҳоланган (бозор) қиймати асосида солиққа тортиш механизми таклиф этилган;

маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлашда мол-мулк солиғи ва ер солиғи базалари таркибига темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, консервация қилинган қўчмас мулк объектларини киритиш ва улар учун пасайтирувчи коэффициентларни қўллаш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш» тушунчасига мукамаллашган муаллифлик таърифи берилган;

маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини шакллантириш принциплари аниқланган;

маҳаллий бюджетлар солиқли даромадларининг таркиби, солиқли тушумларига таъсир этувчи омиллар белгиларига кўра таснифланган ва тавсифланган;

маҳаллий бюджетларни солиқли даромадлар ҳисобидан шакллантириш амалиёти таҳлил қилиниб, унга оид тенденциялар аниқланган;

солиқли даромадларнинг республика ҳамда маҳаллий бюджетлар ўртасидаги тақсимоти бўйича муҳим илмий хулосалар шакллантирилган;

маҳаллий бюджетлар солиқли даромадларининг бандлар сони, корхоналар сони ҳамда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми билан корреляцион боғлиқлиқлиги илмий-амалий жиҳатдан асосланган;

маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш мақсадида айрим солиқ турларини маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириш имкониятлари асосланган;

илғор хориж тажрибалари асосида маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг солиқли даромадлари базасини мустаҳкамлашга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг расмий манбалардан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, турли халқаро ташкилотлар, тегишли идора ва муассасаларнинг ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига, шунингдек Фарғона вилояти солиқ бошқармасининг расмий статистик маълумотларига таянилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадлари базасини мустаҳкамлашга бағишланган махсус, мустақил илмий тадқиқотлар олиб борилишида кенг кўламда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан маҳаллий

бюджетларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг солиқли даромад базаларини мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ислоҳ этишга бағишланган илмий концепция, қонунлар, қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Давлат бюджети» ва «Маҳаллий бюджетлар» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳаллий бюджетлар даромадларини мустаҳкамлаш ҳамда солиқ солишнинг адолатлилик тамойилини таъминлаш мақсадида қурилиш материаллари бўйича ер қабридан фойдаланганлик учун солиқнинг энг кам миқдорларини белгилаш орқали маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш тўғрисидаги таклифи янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги 06/04-02-01-32-2850-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида маҳаллий бюджетларга 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 100,8 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар келиб тушган. Амалдаги тартибга нисбатан 1,5 баробарга кўпайиши таъминланган;

маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга нисбатан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини ошириш (алкоголсиз ичимликлар учун белгиланган ставкаларни қўллаш) бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунида акс эттирилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги 06/04-02-01-32-2850-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф асосида маҳаллий бюджетларга 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида қўшимча 23,3 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар келиб тушиши таъминланган;

тўлиқ амортизацияланган биноларни қайта баҳоланган (бозор) қиймати асосида солиққа тортишни амалиётга жорий қилиш ҳақидаги таклифи янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги 06/04-02-01-32-2850-сон маълумотномаси). Натижада, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида қўшимча 35,8 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар маҳаллий бюджетларга келиб тушган.

маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш мақсадида мол-мулк солиғи ва ер солиғи базалари таркибига темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, консервация қилинган кўчмас мулк объектларини киритиш ва улар учун пасайтирувчи коэффициентларни қўллаш тўғрисидаги таклифи янги таҳрирдаги

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги 06/04-02-01-32-2850-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида маҳаллий бюджетларга қўшимча 56,1 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар келиб тушиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан 2 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, шундан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, илмий-амалий анжуманларда 8 та маъруза тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ҳамда диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари белгилаб олинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажмига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлашнинг илмий-назарий ва ҳуқуқий асослари»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий бюджетлар солиқли даромадларининг назарий асослари тадқиқ этилган, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда солиқли даромадларнинг роли ва аҳамияти асосланган, маҳаллий бюджетлар даромадларини солиқлар ёрдамида шакллантириш принциплари аниқланган, маҳаллий бюджетлар солиқли даромадларининг таркиби, солиқли тушумларга таъсир этувчи омиллар белгиларига кўра таснифланган ва тавсифланган.

Маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш борасидаги илмий тадқиқот ишини амалга ошириш учун, бизнинг фикримизча, энг аввало, шу жараёнга дахлдор бўлган бир неча назарий

масалаларга аниқлик киритиб олиш мақсадга мувофиқдир. Ана шундай масалалардан бири маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромад базаларини мустаҳкамлашнинг моҳиятини аниқлашдан иборат. Мазкур тушунча кўпқиррали ва мураккаб иқтисодий категориялардан иборат ва унинг иқтисодий моҳияти қуйидаги кетма-кетликда ифодаланган сўзлар ҳамда сўз бирикмалари орқали акс этувчи тушунчалар уйғунлигидан ташкил топган, деб ҳисоблаш мумкин: «маҳаллий бюджет», «маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базалари», «маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш».


Маҳаллий бюджетларнинг мазмун-моҳияти сўнгги вақтларда нашр этилган иқтисодий адабиётларда⁶, ҳимоя қилинган диссертация ишларида⁷ ва амалдаги қонунчиликда⁸ етарли даражада ўз ифодасини топганлиги учун биз бу тўғрисида батафсил тўхталиб ўтирмасдан, умумий тасаввур ҳосил қилиш мақсадида тадқиқот натижасида шакллантирилган қуйидаги расмни келтириш билан чекланамиз (1-расм, навбатдаги бетга қаранг).

1-расмда келтирилганлардан кўриниб турибдики, маҳаллий бюджетлар вилоят, туман ва шаҳар бюджетларини ўзида ифода этиб, ушбу бюджетлар маблағлари маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари томонидан мамлакат ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, маҳаллий аҳамиятга доир турли вазифаларни бажариш, маҳаллий бюджетга қарашли корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятини молиялаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш каби ишларни амалга ошириш (молиялаштириш) учун йўналтирилади. Бу каби ҳаётий муҳим бўлган ижтимоий-иқтисодий вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши, биринчи навбатда, уларнинг молиявий асосига бориб тақалади. Маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисми солиқлар ёрдамида бюджетга ундирилади, яъни солиқлардан шакллантирилади. Шу нуқтаи назардан маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадлари, уларнинг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги юқорида қайд этилган вазифаларнинг бажарилишида ҳал қилувчи рол ўйнайди.

⁶Годин А.М., Горегляд В.П., Подпорина И.В. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник. – М.: «Дашков и К^о», 2010. – 628 с.; Лушин С.И., Слепов В.А. Государственные и муниципальные финансы. – М.: Экономист, 2006. – 317 с.; Поляк Г.Б. Финансы: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям, специальности «Финансы и кредит». – М.: ЮНИТИ-ДАНА 2008. – С. 689.; Берзова Н.И. Финансы: учебник для бакалавров / Н.И. Берзова. – М.: Юрайт, 2014. – С. 166.; Бочаров В.В., Леонтьев В.Е., Радковская Н.П. Финансы. – СПб.: Питер, 2009. – С. 376.; Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молия: Дарслик. – Т.: Иқтисод-Молия, 2019. – Б. 764.; Қосимова Г.Шаакрамов К. Маҳаллий бюджетлар. Ўқув қўлланма. Т.: Молия, 2012. – Б.14.; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. М ҳарфи. – Т.: ЎМЭ давлат илмий нашриёти. – Б. 352.; Нурмухамедова Б.И. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисод Молия», 2018. – Б. 531.

⁷ Абибуллаев Б. Бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар ролини ошириш масалалари: И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автор. – Т.: 2009. – 21 б.; Қобулов Х.А. Ҳудудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. Автор. – Т.: 2006. – 25 б.; Маманазаров А. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш масалалари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. Автор. - Т.: 2002. – 22 б.; Хайриддинов А. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлаш йўллари: И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автор. – Т.: 2009. – 21 б.; Ўроқов У.Ю. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишни такомиллаштириш йўллари. Фалсафа доктори илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. Автор. – Т.: 2020. – 27 б.;

⁸Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси. 2013 йил 26 декабрь.



1-расм. Маҳаллий бюджетларнинг мазмун-моҳияти ва хусусиятлари⁹

Ўз навбатида, маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромад базалари маҳаллий бюджетларга ундириладиган барча солиқлар (умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар) ҳисобидан шакллантирилади. Бу ерда база тушунчаси маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадларининг таянч қисми, асоси, негизи, мажмуи маъноларини англатади¹⁰. Маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш эса соф ўзбек тилида маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини барқарор қилмоқ, кучайтириш, чидамлилигини ошириш (харажатларга нисбатан) каби маъноларни ифода этади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, «маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш»нинг иқтисодий моҳиятини кўйидагича таърифлаш мумкин: маълум бир нисбатдаги умумдавлат ва маҳаллий солиқлардан шакллантириладиган тегишли маъмурий ҳудуд доирасидаги бюджетнинг молиявий барқарор бўлишининг таъминланишига маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш дейилади.

Маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлашнинг объектив зарурлиги, бугунги кунда мамлакатимизда амал қилаётган тартибга кўра белгиланади. Унга мувофиқ, маҳаллий бюджетлар (Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари) баланслаштирилган даромадлар ва харажатларга эга бўлиши лозим ҳамда уларнинг тақчиллигига йўл қўйилмайди¹¹.


Бир вақтнинг ўзида маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадларини шакллантириш кўп омилли жараён бўлиб, бунда иқтисодий, солиқ

⁹Илмий тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁰Ўзбек тилининг изоҳли луғати. «Б» ҳарфи. 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2008. – Б. 139.

¹¹Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси. 2013 йил 26 декабрь. 142-модда.

маъмуриятчилиги, норматив-ҳуқуқий ва сиёсий омиллар таъсирининг ҳисобга олиниши солиқли даромадлари базасини мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди (2-расм).



2-расм. Маҳаллий бюджетларнинг солиқли тушумларига таъсир этувчи омиллар¹²

Шундай қилиб, маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларининг мустаҳкамланиши солиқли даромад базаларини шакллантириш тамойилларига қатъий риоя қилинишига, айрим солиқларнинг республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги тақсмотига, солиқли тушумларга таъсир этувчи омилларга боғлиқдир.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадларини шакллантириш амалиёти» деб номланган иккинчи бобида маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромад манбалари ва таркиби тадқиқ этилган ҳамда Фарғона вилояти мисолида маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадларини шакллантириш амалиёти таҳлил қилинган.

¹²Илмий тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Таҳлиллар кўрсатишича, маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг уларга юклатилган вазифаларни амалга ошириши учун молиявий ресурслар билан таъминланиши солиқлар ва бюджетлараро трансферт (ўтказма)ларнинг тақсимоти жараёнида юзага келади. Бунда турли даражадаги маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг бюджет-солиқ манфаатлари ҳамда ҳудудлар даромадларининг тенглаштирилиши учун молиявий ресурслар (даромадлар) ўтказилишининг иқтисодий асосланганлиги ҳисобга олиниши зарур.

Давлат бюджети даромадларини, шу жумладан, маҳаллий бюджетлар даромадларини ҳам шакллантиришда солиқли даромадларнинг роли масаласини, аксарият ҳолларда, улар салмоғининг даражаси билан изоҳланишга ҳаракат қилинади. Шунга мос равишда, агар тегишли салмоқни ифодаловчи кўрсаткич даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг роли ҳам юқори ва аксинча хулосага келинади. Ана шундай ёндашувга таянган ҳолда давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда солиқли даромадларнинг ролини характерловчи маълумотлар қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2016-2020 йилларда давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда солиқли даромадларнинг роли¹³

№	Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
1.	Давлат бюджети даромадларининг умумий суммаси, млрд. сўмда	41043,5	49681,0	79099,0	112165,4	128500,0
2.	Маҳаллий бюджетлар жами даромадларининг умумий суммаси, млрд. сўмда	16304,1	18536,5	22944,8	35134,5	27689,0
3.	Маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадларининг умумий суммаси, млрд. сўмда	13211,7	16164,6	20588,2	31787,8	23988,0


1-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги бир неча муҳим хулосаларни чиқариш мумкин: 2016-2020 йиллар давомида мамлакатимизда Давлат бюджети даромадларининг умумий суммаси барча омилларнинг таъсири остида (шу жумладан, инфляция, коронавирус пандемияси) 3,1 мартага ўсган бир пайтда худди шу даврда Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда иштирок этган маҳаллий бюджетлар даромадлари умумий суммасининг ўсиш даражаси эса барча омиллар ҳисобидан (жумладан, инфляция, коронавирус пандемияси) 1,7 га тенг бўлган, холос. Маҳаллий бюджет даромадлари ўсишига мос равишда уларнинг солиқли даромадлари тегишли давр мобайнида 1,8 мартага ўсган. Таҳлил қилинган даврда Давлат бюджети даромадларининг ўсиш суръатлари маҳаллий бюджет даромадларининг ўсиш суръатларидан юқори бўлган. Бир вақтнинг ўзида маҳаллий

¹³Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

бюджетлар солиқли даромадларининг ўсиш суръатлари уларнинг жами даромадлари ўсиш суръатларидан юқори бўлиб, бундай ҳолат ҳудудлардаги ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этилиши нуқтаи назаридан ижобий ҳолатни намоён қилади. Аммо, 2020 йилда бошланган коронавирус пандемияси туфайли маҳаллий бюджет даромадлари, шу жумладан, солиқли даромадларида ҳам пасайиш тенденцияси кузатилди. Бироқ, давлат томонидан ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар¹⁴ маҳаллий бюджетларнинг барқарорлигини таъминлаш, уларнинг харажатларини мақбуллаштириш имконини берди.

Шу нарсани алоҳида қайд этиш керакки, 2016-2020 йилларда маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда солиқли даромадларининг роли ўсиб борганлиги билан характерланади, яъни бу кўрсаткич 2016-2020 йиллар оралиғида 5,6 ф.п.га ўсган.

2016-2020 йиллар мобайнида маҳаллий бюджет жами даромадларининг ўртача 87 фоизи солиқли даромадлари эвазига шакллантирилаётганлиги, автоматик равишда, маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришнинг қолган қисми, яъни ўртача 13 фоизи солиқсиз даромадлари ҳисобидан амалга оширилаётганлигидан дарак беради (3-расм).



3-расм. Маҳаллий бюджетлар солиқли даромадларининг маҳаллий бюджетлар жами даромадларидаги салмоғи¹⁵ (фоиз ҳисобида)

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4679-сонли «Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

¹⁵Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2016-2020 йиллар оралиғида маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадларини шакллантиришда жисмоний шахслардан даромад солиғи (ўртача 23,8%), қўшилган қиймат солиғи (ўртача 18,9%), акциз солиғи (ўртача 15,9%), ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар (ўртача 11,5%)нинг салмоғи юқори бўлган (2-жадвал). Аксинча, маҳаллий бюджетлар солиқли даромадларини шакллантиришда мол-мулк ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳамда ер ости бойликларидан (норудавий) фойдаланганлик учун солиқлар роли суст даражада бўлиб, бу солиқлар ролини оширишнинг долзарб эканлигидан дарак беради. Ўз навбатида, ушбу солиқларнинг маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги салмоғини ошириш ҳамда уларни бюджетга ундириш механизмини такомиллаштириш масаласи кун тартибига қўйилади.

2-жадвал

2016-2020 йилларда маҳаллий бюджетларнинг солиқли ва солиқсиз даромадлари таркиби ва уларнинг ўзгариш тенденцияси¹⁶ (%да)

Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Жами даромадлар	100	100	100	100	100
Солиқли даромадлар	81,0	87,2	89,7	90,5	86,6
Юридик шахсларнинг фойда солиғи	2,6	2,3	3,7	9,4	7,6
Жисмоний шахслардан даромад солиғи	17,2	15,4	19,8	28,7	37,9
Қўшилган қиймат солиғи	21,7	19,8	22,0	25,5	5,3
Акциз солиғи	20,1	16,6	9,9	11,4	20,0
Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратма	12,5	14,7	18,4	6,3	5,6
Қатъий белгиланган солиқ	6,2	6,5	5,0	2,1	1,2
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1,2	1,1	0,6	1,0	2,0
Ер қаъридан фойдаланганлик учун. солиқ	0,5	0,8	0,7	0,9	2,3
Мол-мулк солиғи	7,8	13,2	12,7	7,4	8,2
Ер солиғи	7,3	6,8	7,3	7,3	10,0
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани. ривожлантириш солиғи	2,9	2,9	0,0	0,0	0,0
Солиқсиз даромадлар	19,0	12,8	10,3	9,5	13,4
Давлат божлари	16,9	23,2	27,6	32,1	26,2
Жарималар	16,9	21,9	17,8	18,7	21,3
ДАН йиғимлари	5,7	8,6	11,1	12,5	10,7
Маҳаллий йиғимлар	2,1	3,4	4,8	10,2	22,2
Бозорлардан тушадиган даромадлар	7,2	11,2	12,8	11,4	-0,2
Бошқа даромадлар	51,2	31,7	25,9	15,1	19,9

Бир вақтнинг ўзида юқоридаги жадвалларда келтирилган маълумотлар бутун Ўзбекистон бўйича олинганлиги ҳисобга олинган бўлса, масала вилоятлар мисолида кўриб чиқилиши лозим ва бунга тегишли бўлган вазиятнинг республикаимиз вилоятлари бўйича қандай эканлигини кўрсатувчи маълумотлар қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

¹⁶Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2016-2020 йилларда маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибида ҳудудлар бюджети даромадларининг салмоғи (фоиз ҳисобида) ¹⁷

№	Ҳудудлар номи	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
1.	Андижон вилояти	6,4	6,8	7,4	7,5	7,6
2.	Бухоро вилояти	7,3	7,2	6,0	6,9	6,4
3.	Жиззах вилояти	2,9	3,9	4,1	3,5	3,8
4.	Қашқадарё вилояти	10,8	9,6	10,2	10,8	8,9
5.	Навоий вилояти	4,8	4,0	5,3	5,3	5,6
6.	Наманган вилояти	5,2	5,6	5,9	6,4	6,4
7.	Самарқанд вилояти	8,0	8,4	8,6	7,3	8,6
8.	Сурхондарё вилояти	5,0	5,6	6,0	5,3	5,8
9.	Сирдарё вилояти	2,8	3,1	3,1	2,3	2,6
10.	Тошкент шаҳри	14,3	13,2	12,2	10,7	11,4
11.	Тошкент вилояти	11,1	9,6	8,5	10,6	8,6
12.	Фарғона вилояти	10,9	11,4	8,0	10,9	9,7
13.	Хоразм вилояти	4,5	4,8	4,8	4,2	4,7
14.	Қорақалпоғистон Рес.	5,8	7,0	9,8	8,4	9,9
	Жами	100	100	100	100	100

Маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибида ҳудудлар бюджети даромадлари салмоғининг фарқланиши (ёки юқори бўлиши ёхуд кам улушни ташкил этиши) ҳар бир маъмурий ҳудуднинг иқтисодий-инвестицион салоҳияти, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланганлик даражаси ва бошқа омилларнинг турлича эканлигидан дарак беради.

4-жадвал

Фарғона вилоятининг туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг вилоят бюджетидаги салмоғи (фоиз ҳисобида) ¹⁸

№	Маҳаллий бюджетлар номи	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
1.	Вилоят бюджети	48,7	43,8	75,4	36,7	65,9
2.	Фарғона шаҳри	7,0	8,3	2,9	8,8	5,5
3.	Қўқон шаҳри	6,5	7,2	2,1	7,3	4,2
4.	Қувасой шаҳри	2,5	2,8	1,0	2,7	1,8
5.	Марғилон шаҳри	3,7	4,0	1,4	4,9	2,5
6.	Олтиариқ тумани	2,1	2,1	1,2	2,8	1,5
7.	Боғдод тумани	2,6	2,5	1,3	3,4	1,2
8.	Бувайда тумани	1,5	1,6	1,3	2,4	1,2
9.	Бешариқ тумани	2,0	2,1	1,3	2,9	1,6
10.	Қува тумани	2,9	3,0	1,4	3,6	1,7
11.	Учкўприк тумани	2,1	2,2	1,2	3,2	1,6
12.	Риштон тумани	2,3	2,6	1,1	2,7	1,4
13.	Сўх тумани	0,6	0,6	0,7	0,9	0,4
14.	Тошлоқ тумани	2,5	3,3	1,0	3,6	1,7
15.	Ўзбекистон тумани	2,5	2,6	1,5	3,4	1,9
16.	Фарғона тумани	4,0	5,0	1,3	2,6	1,8
17.	Данғара тумани	2,7	2,6	1,2	2,6	1,1
18.	Фурқат тумани	0,9	0,9	0,8	1,2	0,8
19.	Ёзёвон тумани	1,3	1,2	0,9	2,1	0,9
20.	Қуштепа тумани	1,7	1,6	1,1	2,2	1,3
	Жами	100	100	100	100	100

¹⁷Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁸Фарғона вилояти молия бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Шунингдек, маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларининг мустаҳкамлиги вилоят бюджети таркибидаги туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ҳажмига ҳам боғлиқ бўлади. Хусусан, Фарғона вилояти маҳаллий бюджетлари таркибида вилоят бюджети даромадлари катта салмоққа эга бўлиб, таҳлил қилинган давр оралиғида жами бюджет даромадларининг ўртача 54,1 фоизини ташкил этган. Ўз навбатида, туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларининг салмоғи эса паст даражададир (4-жадвал).

Тадқиқот натижаларидан кўринадикки, маҳаллий бюджетларнинг аксарият даромадлари маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадлари ҳисобидан шаклланади. Хусусан, 2020 йилда Фарғона вилояти маҳаллий бюджет даромадларининг 85 фоизи солиқли даромадлардан шакллантирилган. Шу нуқтаи назардан, маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш борасидаги тадқиқотларнинг аксариятида асосий урғу солиқли даромадларга ва уларни оширишга қаратилади. Шунинг учун куйидаги 5-жадвал маълумотлари асосида тадқиқотимиз объекти бўлмиш Фарғона вилояти мисолида маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадларига иқтисодий ўзгаришларнинг таъсирини баҳолашга имкон берувчи эконометрик таҳлилни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунда Фарғона вилояти маҳаллий бюджети солиқли даромадларига вилоятдаги иқтисодиётда банд бўлганлар сони (БС), фаолият кўрсатувчи фаол корхоналар сони (КС) ҳамда ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг таъсирини баҳоловчи моделлаштиришни амалга оширамиз.

5-жадвал

Фарғона вилоятининг айрим макроиқтисодий кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгариши¹⁹

Йиллар	Маҳаллий бюджетнинг солиқли даромадлари (СД), млрд.сўм	Иқтисодиётда бандлар сони (БС), минг нафар	Корхоналар сони (КС), дона	Асосий капиталга инвестициялар (И)
2006	267	1170,6	12 101	178
2007	406	1206,4	13 086	273
2008	445	1280,1	14 872	485
2009	678	1311,7	15 504	663
2010	811	1340,4	16 879	931
2011	921	1367,6	18 259	1 261
2012	1 067	1398,8	19 016	1 506
2013	1 217	1431,1	19 230	2 130
2014	1 389	1462,8	21 173	2 295
2015	1 530	1485,3	21 795	2 542
2016	1 601	1508,3	23 083	2 644
2017	1 878	1525,7	23 310	2 955
2018	1 595	1451,0	25 571	5 539
2019	3 533	1492,6	29 128	8 685
2020	2 013	1438,3	35 379	11 320

¹⁹Фарғона вилояти ҳокимлиги молия бошқармаси маълумотлари ва Давлат статистика кўмитасининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Демак, тадқиқотимизда натижавий белги маҳаллий бюджетнинг солиқли даромадларини – СД, омил белгиларини, яъни иқтисодиётда бандлар сонини – БС, корхоналар сонини – КС, асосий капиталга инвестицияни – И деб, белгилаб оламиз.

6-жадвал

2006-2020 йиллар бўйича фойдаланилган кузатувларнинг тасвирий статистикаси²⁰

Кўрсаткич	Ўртача	Медиана	Минимум	Максимум
СД	1290,0	1217,0	267,43	3532,5
БС	1391,4	1431,1	1170,6	1525,7
КС	20559	19230	12101	35379,0
И	2893,8	2130,0	178,20	11320,0
Кўрсаткич	Стандарт четланиш	Вариация	Асимметрия	Экссесс
СД	823,43	0,63830	1,2139	1,6832
БС	109,59	0,078761	-0,70181	-0,61804
КС	6223,7	0,30272	0,81135	0,29087
И	3230,9	1,1165	1,6061	1,4960

Маълумотларнинг тасвирий статистикасидан кўринадикки, мазкур тадқиқотимизда кузатувлар сони 15 тани ташкил қилади. СДнинг энг паст миқдори 267,3 млрд. сўмни, энг юқори миқдори 3532 млрд. сўмни ташкил этгани ҳолда инвестицияларнинг минимуми 178,2 млрд. сўмни, максимум миқдори эса 11320,2 млрд. сўмни ташкил этган. БСнинг минимуми 1170,6 минг нафарни, максимуми 1525,7 минг нафарни, КСнинг минимуми 12101 та, максимуми эса 35379 нафарни ташкил этган.

Таҳлилимизнинг дастлабки босқичида 5-жадвал маълумотлари асосида маҳаллий бюджетнинг солиқли даромадлари(СД)нинг бандлар сони (БС), корхоналар сони (КС) ҳамда асосий капиталга киритилган инвестиция(И)лар ҳажми билан корреляция коэффицентини аниқлаб оламиз.

7-жадвал

2006-2020 йиллар бўйича фойдаланилган кўрсаткичларнинг корреляция коэффицентлари матрицаси²¹

СД	БС	КС	И	Кўрсаткичлар
1,0000	0,7796	0,8423	0,8084	СД
	1,0000	0,7488	0,5389	БС
		1,0000	0,9526	КС
			1,0000	И

7-жадвалдан кўринадикки, солиқли даромадлар (СД)нинг бандлар сони (БС) билан корреляцияси – 0,7796 га, корхоналар сони (КС) билан корреляцияси – 0,8423 га, асосий капиталга инвестициялар ҳажми (И) билан корреляцияси – 0,8084 га тенг ва ҳар учта омил билан солиқли даромадлар кучли тўғри боғланган.

Солиқли даромадлар ҳажми (СД)нинг ўзгаришига иқтисодиётда бандлар сони (БС), корхоналар сони (КС) ва асосий капиталга инвестициялар (И) ҳажми ўзгаришларининг ўзаро боғлиқлигининг

²⁰Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

²¹Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

эконометрик моделини ҳосил қиламиз. Мазкур моделнинг индуктив таҳлилига кўра, юқоридаги моделнинг статистик жиҳатдан аҳамиятлилигини ифодаловчи кўрсаткич (Р-қиймат (F)) 0,05 дан кичик, шу сабабли ҳам мазкур модел статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлиб, мустақил ўзгарувчилар (БС, КС ва И)нинг боғлиқ ўзгарувчига таъсирини кўрсатувчи коэффицентлар ҳам 0,05 дан кичик ҳамда у ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятлидир (8-жадвал).

8-жадвал

Асосий капиталга инвестициялар ҳажми (И), иқтисодиётда бандлар сони ва (БС) корхоналар сони (КС)нинг маҳаллий бюджетнинг солиқли даромадларига таъсирининг регрессия тенгламаси

Омиллар	Коэффициент	Стандарт хатолик	t-статистика	Р-қиймат	
const	-8003,96	1186,90	-6,744	<0,0001	***
БС	10,8629	1,64846	6,590	<0,0001	***
КС	-0,383107	0,0803528	-4,768	0,0006	***
И	0,710454	0,121784	5,834	0,0001	***
Боғлиқ ўзгарувчи ўртачаси		1290,027	Стандарт оғиш		823,4286
Қолдиқлар квадратлари йиғиндиси		556546,5	Стандарт хатолик		224,9336
R-квадрат		0,941370	Мослашган R-квадрат		0,925380
F-статистика(3, 11)		58,87219	Р-қиймат (F)		4,62e-07
Логорифмик ҳақиқатга яқинлиги		-100,1950	Акаике мезони		208,3900
Шварц мезони		211,2222	Ханна-Куин мезони		208,3598
Rhopараметри		-0,292607	Дарбин-Уотсонстатистикаси		2,551665

Тузилган тенгламанинг детерминация коэффицентини (Мослашган R-квадрат) 0,9254 га тенг бўлиб, иқтисодиётда бандлар сони (БС), корхоналар сони (КС) ва асосий капиталга инвестициялар (И) миқдорлари ўзгаришлари солиқли даромадлар ҳажми ўзгаришининг 95,54 фоизини тушунтириб бера олади. Дарбин-Уотсон статистикасининг 5 фоизлик аҳамият даражасидаги статистик жадвал асосида ҳисобланганда автокорреляция бўлмаслик шarti $1,14 < DW < 3,73$ ҳисобланди. Дарбин-Уотсон статистикасининг керакли оралиқда эканлиги автокорреляция муаммосининг йўқ эканлигини англатади. Қолдиқларнинг нормал тақсимланганлиги текширилганда уларнинг нормал тақсимланганлиги маълум бўлди.

Солиқли даромадлар ҳажми (СД)нинг ўзгаришига иқтисодиётда бандлар сони (БС), корхоналар сони (КС) ва асосий капиталга инвестициялар (И) ўзгаришларининг ўзаро боғлиқлигининг эконометрик модели куйидагича²²:

$$СД = 10,8629 * БС - 0,3831 * КС + 0,7105 * И - 8003,96 + e$$

Бу ерда:

